

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВ ФАРРУХ РАВШАНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИБЕР РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри - 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Хасанов Фаррух Равшанович**

Ўзбекистонда кибер рискларни суғурталаш масалалари..... 3

**Хасанов Фаррух Равшанович**

Вопросы страхования кибер рисков в Узбекистане..... 29

**Khasanov Farrukh Ravshanovich**

Issues of cyber risks insurance in Uzbekistan..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВ ФАРРУХ РАВШАНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИБЕР РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри - 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/Iqt1372 рақам билан рўйхатга олинган**

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Шеннаев Хўжаёр Мусурманович  
иктисодиёт фанлари доктори (Dsc), доцент

**Расмий оппонентлар:** Кузиева Наргиза Рамазоновна  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор  
Хамидулин Михаил Борисович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «28» 01 соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (257 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 01 куни тарқатилди.  
(2022 йил «14» 01 даги 70 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**Т.З.Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

*[Handwritten signature]*

**Ф.Т.Холмаматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

*[Handwritten signature]*

**И.Н.Кўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ҳамжамияти учун янги давр бошланди. Ушбу давр ахборот-коммуникация технологияларининг барча соҳа ва тармоқларга кириб бориши билан изоҳланади. Инсонларнинг кундалик фаолияти ахборот-коммуникация технологиялари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Жаҳондаги аксарият давлатлар рақамли иқтисодиёт тизимини жорий эта бошлади ва бу ўзгаришлар, пировард натижада, инсониятнинг фаровонлигига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологияларининг кундалик ҳаётимизга жадал кириб бориши кибер хавфсизликка таҳдид солувчи янги рискларни юзага келтирмоқда. Бу рисклар жаҳон амалиётида кибер рисклар деб номланиб, уларнинг салбий оқибатлари глобал миқёсда зарар етказишга қодир. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш бу ҳолатга қуйидагича фикр келтиргани бежиз эмас: «Рақамли иқтисодиёт янги хавф-хатарларни, жумладан, кибер хавфсизликка таҳдидлар, ноқонуний иқтисодий фаолиятнинг енгиллашуви, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларни вужудга келтириши мумкин...»<sup>1</sup>. Шу сабабдан ҳам кибер хавфсизликни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятининг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда ҳамда мазкур муаммоларни ҳал этишда кибер рискларни суғурталаш тизимини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш истиқболли йўналиш сифатида қаралмоқда.

Жаҳон амалиётида кибер хавфсизликни таъминлаш, хусусан кибер рискларни олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини камайитиришга қаратилган риск-менежмент тизимининг қатор усуллари ва воситалари илмий тадқиқ этиб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда кибер хавфсизликни таъминлашнинг техник воситалари, яъни маълумотларни криптографик ҳимоялаш ва шифрлаш, маблағлар заҳиралаш, рискларни тақсимлаш (диверсификация), меъёрлаштириш (сертификатлаш, лицензиялаш) каби масалаларга эътибор қаратилган. Бироқ, мазкур тадқиқотларда кибер рискларни суғурталаш масалалари етарлича очиқ берилмаган, шу сабабдан ҳам ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурати юзага келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш борасида қўйилаётган илдам қадамлар, ўз навбатида, кибер хавфсизликни бошқариш механизмини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг хажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил

---

<sup>1</sup> Дорожная карта Генерального секретаря ООН по цифровому сотрудничеству. <https://www.un.org/ru/content/digital-cooperation-roadmap/>.

манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш» белгиланган<sup>2</sup>. Шу сабабдан кибер хавфсизликни таъминлашда кибер рискларни суғурталаш тизимини ривожлантириш, хусусан бу борада тегишли илмий-услубий ёндашув ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришнинг зарурлиги танланган илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кибер рискларни суғурталаш масалалари ғарб олимлари Ж.П.Кесан ва Н.Шетти, Р.Беме, Р.Пал<sup>3</sup>нинг ишларида ўрганилган. МДҲ давлатларининг иқтисодчи олимлари А.Н.Ивашченко, С.А.Смирнов, Н.В.Косыгина, Е.В.Небольсина, Н.И.Артамонов<sup>4</sup>ларнинг ишлари кибер суғурта бозори ва кибер суғуртанинг услубиётига бағишланган. Мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари С.С.Фуломов, Т.К.Иминов, Р.Ҳ.Хусанов, Н.Р.Кузиева, М.Б.Хамидулин, Қ.М.Қўлдошев, Х.М.Шеннаев, Б.Б.Ашрафханов, М.А.Мирсадиков, А.А.Ядгаров, А.Давлатов, И.Х.Абдурахмонов, Б.С.Гайбуллаев,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup> Kesan J.P., Majuca R.P., Yurcik W.J. The Economic Case of Cyberinsurance; Shetty N., Schwartz G., Felegyhazi M., Walrand J. Competitive Cyber-Insurance and Internet Security. In: Workshop on Economics of Information Security (WEIS). University College London, 2009; Böhme R., Schwartz G. Modeling Cyber-Insurance: Towards A Unifying Framework; Pal R., Golubchik L., Psounis K. A Novel Cyber-Insurance Model.

<sup>4</sup> Ivashchenko A.N., Sharko I.A. [The world cyber risk insurance market: Opportunities and obstacles for development in the Republic of Belarus]. Материалы IX Международной научно-практической конференции студентов «Национальная экономика Республики Беларусь: проблемы и перспективы развития». Минск, 2016, С. 196–202; Смирнов С.А. Страхование киберрисков в России: анализ состояния и перспективы развития // Сборник научных работ / под ред. Г.Д. Дроздова. СПб., 2015. С. 303–306; Kosygina N.V., Anpilogova V.S. [Cyber risks and their insurance in the sphere of banking services]. Материалы II Международной научно-практической конференции «Актуальные вопросы экономики и финансов в условиях современных вызовов российского и мирового хозяйства». Самара, 2014, С. 203–204; Nebol'sina E.V. [Cyber risks as a global problem of the modern world]. Strakhovoe delo = Insurance Business, 2016, no. 1, pp. 22–28; Артамонов Н.И. Управление киберрисками в системе риск-менеджмента предприятий малого и среднего бизнеса // Страхование право. 2015. № 4. С. 53–57.

И.Мавлонова<sup>5</sup>лар томонидан суғурта фаолиятининг турли жиҳатлари ўрганилган. Бундан ташқари, Х.М.Шеннаев, М.Х.Ходжаева, М.Т.Асқарова, Т.М.Баймуратов, А.С.Нуруллаев, Қ.М.Қўлдошев, И.Х.Абдурахмонов, И.Г.Кенжаев, Г.Халиқулова<sup>6</sup>лар суғурта соҳасига бағишланган номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилган.

Иқтисодчи олимлар Т.К.Иминов, А.Н.Арипов ва Н.А.Иминова<sup>7</sup>ларнинг илмий ишларида ахборот-коммуникация соҳасида риск-менежмент, кибер хавфсизликни таъминлаш масалалари ўз аксини топган. Ушбу ишларда кибер рискларни суғурталаш кибер хавфсизликни таъминлашнинг усулларида бири сифатида қисман ўрганилган ва бу борада умумий мулоҳазалар берилган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда шу кунгача кибер суғурта масаласига бағишланган алоҳида тадқиқот иши амалга оширилмаган. Шу сабабдан, кибер рискларни суғурталаш механизмини чуқур ўрганиш ва кенг жорий қилиш ҳамда ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди. Ушбу илмий иш мамлакатимизда кибер рискларни суғурталаш масаласига бағишланган биринчи илмий тадқиқот иши саналади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва

---

<sup>5</sup> Фуломов С.С., Боев Ҳ.И. Валюта, кредит, молия ва суғурта муаммолари. – Т.: Мехнат, 1998; Иминов Т. Суғурта бозори ислохотлари ривожланиш босқичида. – Т.: Халқ сўзи, 2021, №5(7785); Хусанов Р.Х., Ядгаров А.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 79 б.; Kuzieva N.R., Ashurova N.B., Ollokulova F.M. Business Processes In The Insurance System And Their Features. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 7, (2020), pp. 7908-7913; Хамидулин М.Б., Мирсаидов М.А. Страхование. Учебно-методическое пособие. Ташкентский филиал ФГБОУ ВО «РЭУ им.Г.В.Плеханова», 2019; Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозори, Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 110 б.; Шеннаев Х. Суғурта иши. – Т.: Турон-иқбол, 2006. – 224 б.; Ашрафханов Б., Мирсаидов М. Развитие страхового законодательства Республики Узбекистан. – Т.: Рынок, деньги и кредит, 2002, №11-12. – 30 с.; Давлатов А. Автофуқаролик жавобгарлигининг химояси. – Т.: Бозор, пул ва кредит, 2008, №9. – 54-56 б., Абдурахмонов И. Мажбурий суғурта ижтимоий-иқтисодий ўсиш омили. – Т.: Бозор, пул ва кредит, 2009, №5. – 32-33 б.; Гайбуллаев Б. Регулирование инвестиционной деятельности страховщиков. – Т.: Бозор, пул ва кредит, 2009, №5, – 50-53 с., Мавлонова И. Суғурта-ижтимоий ва иқтисодий манфаатлар химояси. – Т.: Бозор, пул ва кредит, 2009, №10 – 53-55 б.

<sup>6</sup> Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. И.ф.д. (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Т.: ТМИ, 2021; Ходжаева М.Х. Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳоли ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, – Т.: БМА, 2001. – 130 б.; Асқарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., – Т.: Институт экономики АН РУз, 2003. – 132 с.; Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2004. – 125 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2007; Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2009. – 130 б.; Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2010. – 130 б.; Кенжаев И.Г. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2019; Халиқулова Г. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2019.

<sup>7</sup> Иминов Т.К., Арипов А.Н. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти асослари. – Т.: Фан ва технология, 2005; Иминова Н.А. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида иқтисодий рискларни бошқариш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТАТУ, 2011.

ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда кибер рискларни суғурталашни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

кибер рисклар тушунчасига доир мавжуд ёндашувларни таҳлил этиш орқали уларнинг мазмун-моҳияти ва иқтисодий оқибатларини ёритиш;

кибер хавфсизликни таъминлашда суғуртанинг ўрнини тадқиқ қилиш ва кибер рискларни суғурталашнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда кибер рискларни суғурталаш амалиётини ўрганиш ва уни республикамизда қўллаш йўлларини аниқлаш;

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида суғурта муносабатлари ҳолатини тадқиқ қилиш ва соҳада замонавий суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда кибер хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида кибер рискларни суғурталаш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда кибер рискларни суғурталашни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

кибер рискларни суғурталашда ахборот тизимлари қийматини баҳолаш услугиётини такомиллаштириш асосида уларни суғурталашнинг иқтисодий механизминини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суғурта ташкилотларининг кибер рискларни суғурталаш бўйича фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда кибер рискларни суғурталаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, мантиқий фикрлаш, сўровнома ўтказиш, кузатиш, шунингдек математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

кибер рискларни суғурталашда суғурта объектини ахборот макони ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳити категориясининг замонавий тушунчасига мослаш мақсадида суғурта фаолияти классификаторига янги «Номоддий активлар суғуртаси» классини киритиш таклиф этилган;

кибер рискларнинг хусусияти, иқтисодий ҳамда ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда кибер рисклар туркумига кирувчи рисклар тоифасига қараб суғуртанинг ихтиёрий ёки мажбурий шаклларини қўллаш асосланган;

кибер рискларни суғурталашнинг шартлари ва тариф ставкаларини суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларига мослаштирилган ягона давлат тизимини яратиш таклиф этилган;

ахборот ресурслари ва тизимлари қийматини баҳолашда суғурта рискига боғлиқликни қўлламаган ҳолда уларни харажат асосида ҳисоблашнинг соддалаштирилган усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:



кибер рискларни суғурталаш бўйича ягона давлат тизимини яратиш, ушбу йўналиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш, кибер рисклардан суғурталашнинг шакли ва тартибини тасдиқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

кибер рискларни суғурталаш бўйича ишлаб чиқилган идоравий тусдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлиги асосланган;

кибер рискларни суғурталаш бўйича суғурта қоидалари ва намунавий суғурта шартномасини ишлаб чиқиш таклиф этилган;

суғурта ташкилотида кибер рискларни суғурталашга ихтисослашган таркибий бўлинма ташкил этиш ва унинг функционал вазифаларини ишлаб чиқиш тавсия этилган;

ахборот ресурслари ва тизимлари қийматини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилган ва соддалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотларининг расмийлиги, жумладан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг тизимидаги ихтисослашган ташкилотлар, халқаро суғурта ва бошқа ташкилотларнинг расмий маълумотлари ҳамда ҳисоботларидан фойдаланилганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистонда кибер рискларни суғурталашнинг услубий асосларини такомиллаштириш, кибер хавфсизликни таъминлашга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кибер рискларни суғурталаш тизимини тўлақонли шакллантириш ва талаб даражасида ривожлантириш, бу борада тегишли консалтинг ва олдини олиш тадбирларини амалга ошириб бориш билан бир қаторда кибер рисклар таъсирида етказилган зарарларни бартараф этиш механизмини кенг йўлга қўйишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда кибер рискларни суғурталаш масалалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

кибер рискларни суғурталашда суғурта объектини ахборот макони ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳити категориясининг замонавий тушунчасига мослаш мақсадида суғурта фаолияти классификаторига янги «Номоддий активлар суғуртаси» классини киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 9 июндаги КТ/16-02-32-18/839-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарори билан тасдиқланган «2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га кибер рискларни суғурталашни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чора-тадбири сифатида киритилган;

кибер рискларнинг хусусияти, иқтисодий ҳамда ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда кибер рисклар туркумига кирувчи рисклар тоифасига қараб суғуртанинг ихтиёрий ёки мажбурий шакллари қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 9 июндаги КТ/16-02-32-18/839-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарори билан тасдиқланган «2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га кибер рискларни суғурталашни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чора-тадбири сифатида киритилган;

кибер рискларни суғурталашнинг шартлари ва тариф ставкаларини суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларига мослаштиришга қаратилган ягона давлат тизимини яратиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 9 июндаги КТ/16-02-32-18/839-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарори билан тасдиқланган «2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га кибер рискларни суғурталашни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чора-тадбири сифатида киритилган;

ахборот ресурслари ва тизимлари қийматини баҳолашда суғурта рискига боғлиқликни қўлламаган ҳолда уларни харажат асосида ҳисоблашнинг соддалаштирилган усулини қўллаш бўйича таклифи «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси томонидан амалиётга жорий қилинган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2021 йил 14 апрелдаги 1-1/597-сон маълумотномаси). Натижада, «Ахборот тизимлари қийматини ҳисоблаш методикаси» ушбу таклиф асосида қайта ишлаб чиқилган. Янги услубиёт давлат ва хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларнинг мавжуд ахборот ресурслари ва тизимлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиши орқали ҳақиқий қийматига яқинлашиш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола,

шундан 4 та республика журналларида, 1 та хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Рақамли иқтисодиётда кибер рискларнинг вужудга келиши ва уларни суғурталашнинг концептуал асослари»** деб номланган биринчи бобида «ахборотлашган жамият», «рақамли иқтисодиёт» атамаларининг юзага келиши ўрганилиб, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида иқтисодиётда ва жамиятда трансформация жараёни юз бераётганлиги, ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши, рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёни тезлашиб бораётганлиги тадқиқ қилинган, юқори технологик инқилоб содир бўлаётган бундай жамиятда кибер хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган янги турдаги рискларнинг, яъни «кибер риск»ларнинг мазмуни, классификацияси ва иқтисодий оқибатлари тадқиқ қилиниб, уларни суғурталашнинг концептуал асослари ўрганилган.

Бугунги кунда рўй бераётган ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти жамият ривожланишининг янги босқичига – ахборотлашган жамиятнинг шаклланишига ва рақамли иқтисодиётга ўтишга технологик базани яратмоқда.


Ҳозирги кунда ривожланаётган давлатларнинг ривожланган давлатлардан фарқи ҳам энг аввало билимлар ва янги технологияларнинг камлиги билан белгиланмоқда, капитал омили эса иккинчи даражали бўлиб қолмоқда. Зеро, жаҳон амалиёти ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, катта оқимдаги ахборотни тўплаш ва умумлаштириш, бошқарувни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда асосий омилга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда жаҳон бўйича яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 9 фоизидан ортиғи ахборот-коммуникация технологиялари ҳиссасига тўғри келган. Бундан кўриниб турибдики, замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлар даромадли соҳалардан бири

сифатида давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим тармоқлардан бирига айланиб бормоқда<sup>8</sup>.

Дарҳақиқат, бундан 20 йил олдин жаҳон аҳолисининг 4,1 фоизигина Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга эди. 2019 йилга келиб глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони 4,5 млрд. нафардан ошиб кетди. Бу жаҳон аҳолисининг 58,8 фоизи демакдир<sup>9</sup>.

Ўзбекистонда 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 22 млн. киши Интернетдан фойдаланмоқда. Ушбу рақам 19 млн. мобил интернет фойдаланувчиларини ҳам ўз ичига олади<sup>10</sup> (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари сони, млн. киши<sup>11</sup>**

Расм маълумотларида 5 йил давомида Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари сони 4,5 баробарга ортганини кўришимиз мумкин.

Келтирилган статистик маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, инсоният ўз ривожланишининг янги палласига қадам қўймоқда. Албатта, инсон фаолиятининг аксарият йўналишларида бўлгани каби ахборотлашган жамият шаклланиб, рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнининг тезлашиб бориши ва ахборот-коммуникация технологияларининг кескин ривожига мос равишда унинг йўналишларига хос янги рисклар юзага келмоқда ва бу рисклар катта миқдордаги иқтисодий талофотларни келтириб чиқармоқда.

Сўнги 20 йил давомида илмий адабиётлар ва бошқа манбаларда «Ахборот рисклари» ёки «Кибер рисклар» тушунчалари тез-тез кўрина бошлади. Бироқ, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг аксарияти томонидан ушбу атамалар бўйича қабул қилинган аниқ ва тўлиқ талқини ҳали ҳам мавжуд эмас.

<sup>8</sup> «Халқ сўзи» газетаси 24.12.2016 йил сони.

<sup>9</sup> <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-internet-boshqa-davlatlarga-nisbatan-qimmatmi>.

<sup>10</sup> <https://podrobno.uz/cat/tehnp/kolichestvo-internet-polzovateley-v-uzbekistane-sostavlyayet-22-milliona-chelovek/>.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан Интернет маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

«Кибер риск» тушунчаси ҳозирча адабиётда ўзининг тўлиқ таърифига эга эмас. Бу борада турли фикрлар мавжуд. Айримлар бу борада асосан ахборотни турли таъсирлардан ҳимоялашни тушунади, бошқалар эса ахборот рискинни компьютер хавфсизлиги билан боғлайди.

Фикримизча, «Кибер риск» деганда ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга ошириладиган компьютер ва ахборот тизимлари ёки тармоқлари, алоқа тизимлари, ахборот ресурсларига нисбатан учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасидаги йўқотиш ва/ёки қўшимча харажатлар хавфи тушунилади.

Кибер рискларни иккита катга гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Ахборотнинг ходимлар ёки рақобатчилар томонидан хуфёна ўғирланиши;

2. Ахборот узатиш каналларидаги техник носозлик натижасида ахборот йўқотилиши.

Юқорида келтирилган кибер риск гуруҳлари кенг маънода ўз таркибига қуйидагиларни олади:

вируслар таъсири;

компьютер ҳужумлари, яъни хакерлар ва шунга ўхшаш ташқи муҳитдан маълум бир манфаатни кўзлаган ҳолда ҳатти-ҳаракатларни амалга оширувчи ғараз ниятли шахсларнинг таъсири;

корхона ходимларининг ножўя ҳатти-ҳаракатлари оқибатида етказилаётган зарарлар;

корхона сирлари ва махфий маълумотларни ўғирлаш натижасида етказилаётган зиёнлар;

ахборот техник воситалари ва тизимларини ўрнатиш, яратиш ва ишлатишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар оқибатида етказилаётган зиёнлар;

турли хил ахборот дастурларининг ишдан чиқиши оқибатида етказилаётган зарарлар ва ҳоказо.

Қуйида келтирилган расмда кибер рискларнинг келиб чиқиши хусусиятларини кетма-кетликда кўришимиз мумкин (2-расм).

Расмдан кўришимиз мумкинки, кибер рисклар даромад кўриш мақсадида қасдан уюштирилган ҳужумлар орқали ёки бирон бир ташкилот ходимининг эҳтиётсизлиги, эътиборсизлиги ҳамда атайин қилган ҳатти-ҳаракатлари оқибатида тасодифий ҳодисаларнинг рўй бериши орқали юзага келади. Натижада, дастлаб ахборот-коммуникация технологияси ускунасига ўрнатилган тизимга таъсир ўтказиб, кейин эса, дастурий таъминотга ва унда мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун кенг йўл очиб беради, яъни махфий маълумотларни қўлга киритиш орқали бутунлилик принципини бузиш ҳамда тизимдаги барча дастурлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Бунинг оқибатида эса маблағларнинг ўғирланиши, фойданинг бой берилиши ва бошқа товламачиликлардан мислсиз зарарлар кўрилиши мумкин.



**2-расм. Кибер рискнинг келиб чиқиши хусусиятлари<sup>12</sup>**

Сўнгги йилларда кибер рискларнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. «Cybersecurity Ventures» компаниясининг киберхавфсизлик бўйича халқаро экспертлари 2019 йилда жаҳонда ҳар 14 секундда киберхужумлар амалга оширилишини ҳисоблашган. Киберхужумлар сонининг ортиб бориши билан улар таъсирида етказилаётган зарарларнинг салмоғи ҳам кескин кўпаймоқда. Агар, 2018 йилда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги компанияларнинг кўрган умумий зарари 1,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, Бутунжаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра 2022 йилда ушбу кўрсаткич 8 трлн. АҚШ долларига етиши мумкин<sup>13</sup>.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда кибер хужумлар сонининг ортиб бориши кузатилмоқда. Бундай салбий ҳолатнинг юзага келиш сабабларидан бири мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг кенг миқёсда жорий қилинаётганлиги ҳисобланади. Масалан, 2018 йилда «UZ» миллий домен зонасида 65 000 га яқин домен мавжуд бўлган бўлса, йил давомида уларнинг сони 74 000 га етди. 2019 йилда Интернет тармоғининг миллий сегменти ахборот тизимлари ва веб-сайтларида 132 000 та кибер ҳавфсизликка таҳдид аниқланган<sup>14</sup>.

Келтирилган рақамлар ва маълумотлардан кўриниб турибдики, рақамли технологиялар тараққий этаётган шароитда кибер рискларнинг салбий иқтисодий оқибатлари кучайиб боради. Шу сабабдан ҳам жаҳон

<sup>12</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>13</sup> Доклад о развитии цифровой экономики в России. Конкуренция в цифровую эпоху: стратегические вызовы для Российской Федерации./ 2018 Всемирный банк.

<sup>14</sup> <http://infocom.uz/2020/03/03/kiberbezopasnost-respubliki-uzbekistan-itogi-2019-goda/>.

хамжамиятида кибер рискларни олдини олиш ва уларнинг салбий иқтисодий оқибатларини камайтириш устувор масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ахборотни ҳимоя қилиш усули сифатида суғурта танланаётганда, маълумотни йўқотиш ҳаражатлари ва уни ҳимоя қилиш бўйича чоратадбирлар қиймати ўртасида таққослаш амалга оширилиши лозим. Самарадорлик кўрсаткичидан келиб чиқиб, ахборотни ҳимоялашнинг у ёки бу усули танланади.

Кибер суғурта кибер ҳужумлар ва уларнинг салбий оқибатларидан (зарарлардан) ҳимоя қилишнинг иқтисодий усули саналади. Россиялик тадқиқотчи И.К.Иванов ўзининг илмий мақоласида кибер суғуртага қуйидагича таъриф берган: «Кибер суғурта – бизнеси бевосита ёки билвосита маълумотларни ишлаш ёки сақлаш билан боғлиқ ҳар қандай компанияларнинг ахборот рискларини ҳимоя қилишга қаратилган суғурта маҳсулотидир»<sup>15</sup>.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, кибер рискларни суғурталаш механизмини яратиш қатор назарий ва амалий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади. Бу борада қуйидагиларга эътибор бериш муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Энг аввало бундай механизмнинг норматив-ҳуқуқий асосини етарли даражада шакллантириш лозим. Гап ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши натижасида пайдо бўлаётган янгидан-янги рискларни қонуний жиҳатдан тан олинишини таъминлаш, бу рискларнинг классификациясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш, рискларни суғурталаш услубиётини ва янги суғурта маҳсулотлари яратиш ҳақида бормоқда.

2. Кибер рискларни суғурталаш механизмнинг муҳим масалаларидан яна бири уларни содир бўлиш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган реал зарар миқдорини аниқлаш билан боғлиқ. Чунки, ахборот қиймати ахборот-коммуникация технологиялари субъекти нуктаи назаридан, ушбу ахборотдан кўрадиган манфаати билан ўлчанса, бошқа субъект, шу жумладан суғурталовчи учун бу ахборот ҳеч қандай қийматга эга бўлмаслиги мумкин.

3. Кибер рискларни суғурталашни фақат иқтисодий зарарни қоплаш усули сифатида қарамаслик лозим. Бу усулни қўллаш, энг аввало ахборот объектини чуқур таҳлил этишни ҳамда кибер хавфсизлик тизимини тўлиқ ва атрофлича аудит қилишни тақозо этади. Бундай таҳлил ва аудит қилишнинг асосларини ишлаб чиқиш ҳам кибер рискларни суғурталаш механизмини илмий асослашнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

4. Кибер рискларни суғурталаш маҳсулотини ишлаб чиқиш. Бунда рисклар статистикаси асосида суғурта тарифларини белгилаш, рискларнинг хусусиятларини ҳамда суғурталаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғурта шартномасини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>15</sup> Иванов И.К. Кибер-страхование: как обеспечить информационную безопасность бизнесу // Большой портал для малого бизнеса – 2016, №16, С. 13-24.

Кибер рискларни суғурталашда суғурта объекти сифатида ахборот ресурслари (ҳар қандай кўринишдаги ахборотлар – маълумотлар базаси, электрон шаклдаги кутубхоналар ва архивлар, дастурий воситалар) ҳамда молиявий активлар (электрон шаклдаги пул маблағлари ҳамда қимматбаҳо қоғозлар) қабул қилиниши мумкин. Умуман олганда, бу борадаги суғурта полиси ахборотни тўплаш, узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ барча дастурий-аппарат тузилмаларига хос бўлган рискларни қоплаш имконини бериши лозим.

Диссертациянинг «**Кибер рискларни суғурталашнинг замонавий амалиёти ва унинг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида хорижий мамлакатларда кибер рискларни суғурталашнинг вужудга келиши ва ҳозирги ҳолати тадқиқ қилинган ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида суғурта муносабатларининг ривожланиш ҳолати статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган, бу борада мавжуд муаммолар ўрганилган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мавжуд риск-индикаторларни квалитатив (сифат) баҳолаш бўйича социологик тадқиқот натижалари ва кибер рискларни суғурталаш механизмини жорий этиш борасида амалга оширилган тадқиқот ва унинг натижалари келтирилган.

Кибер суғуртанинг келиб чиқишини кўпинча Стивен Хаас номи билан боғлашади. У 1997 йилда «American International Group, Inc» (AIG) билан биргаликда «Интернет хавфсизлиги учун жавобгарлик сиёсати» бўйича биринчи ҳужжатни ёзган<sup>16</sup>. Худди шундай ҳужжат 2000 йилда Лондоннинг Lloyd's суғурта компанияси томонидан ҳам ишлаб чиқилган.

«Кибер суғуртани ривожлантириш бўйича глобал ҳисобот»да<sup>17</sup> қайд этилишича 2025 йилга келиб ушбу йўналишда йиғиладиган суғурта мукофотлари ҳажми 21,4 млрд. АҚШ долларига етади ва шу даврда йиллик ўсиш 27,2 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда кибер суғурта билан шуғулланадиган жаҳоннинг етакчи суғурта компаниялари сирасига қуйидагилар киради: «American International Group, Inc (AIG)», «Allianz Group», «Berkshire Hathaway, Inc.», «Lockton Companies, Inc.», «Chubb Limited», «AXA XL SA», «Tsurich Insurance Group», «Lloyd's Group of London Ltd».

Кибер суғуртанинг қизиқарли дастурларидан бирини Англиянинг Lloyd's компанияси тақдим этган. Полис «Internet Asset and Income Protection Coverage» деб номланиб, унинг муҳим хусусияти хавфсизлик воситалари етказиб берувчисини танлаш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади. Бу дастур хавфсизлик тизимида бузилиш ёки унинг ишламай қолиши натижасида ахборот активларини йўқолиши ёки шикаст етиши хавфларини қоплайди<sup>18</sup>.

<sup>16</sup> The Growth and Challenges of Cyber Insurance, Chicago Fed Letter, No. 426, 2019.

<sup>17</sup> Global Cyber Insurance Market (2019-2025).

<sup>18</sup> Косарев А.В. Страхование информационных рисков. – М., 2010.



Россияда кибер рискларни суғурталашнинг пайдо бўлиши ўзининг аниқ санасига эга эмас. Ушбу суғурта турини амалга ошириш бўйича суғурталовчиларнинг айрим ташаббуслари 1997-1999 йилларда бошланган. Шу даврда биринчилардан бўлиб, «Инфострах» ва «Ингосстрах» суғурта компаниялари Россия Федерацияси алоқа вазирлиги билан ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим тузишган. Ушбу битимга асосан кибер рискларни суғурталашнинг илмий-тадқиқот қисмини Бутунроссия ҳисоблаш техникаси ва ахборотлаштириш муаммолари илмий-тадқиқот институти ўз зиммасига олган. Бироқ, кибер рискларни суғурталашни бошланиш нуқтаси сифатида Россия Федерацияси Президенти томонидан «Россия Федерацияси ахборот хавфсизлиги Доктринаси» тасдиқланган 2000 йил 9 сентябр санасини кўрсатиш тўғрироқ бўлади. Ушбу доктринага биноан кибер хавфсизлик таҳдидларига қарши курашишнинг иқтисодий усуллари сифатида таҳдидлар юз берган тақдирда зарарни қоплашга қаратилган юридик ва жисмоний шахсларнинг кибер рискларни суғурталаш тизимини яратиш кўзда тутилган. Шундан сўнг кўплаб суғурта компаниялари ушбу соҳада фаолият кўрсатиш учун лицензия олишга муваффақ бўлдилар ва бу ҳолат Россия Федерациясида кибер рискларни суғурталаш бозорини шаклланишига шарт-шароит яратди. Ушбу маҳсулотга энг юқори талаб 2000 йилнинг бошларида кузатилди ва суғурта компаниялари юқори миқдорда фойда олиш имкониятига эга бўлди<sup>19</sup>.

Бугунги кунда Россия бозорида кибер суғурта полисини таклиф қилувчи бир қатор суғурта компаниялари мавжуд. «Сбербанк страхование» суғурта компаниясининг прогнозига кўра, Россияда кибер суғурта бозори 2025 йилга келиб 8-10 млрд. рублга етиши мумкин<sup>20</sup>. Таққослаш учун, 2019 йил ўрталарида бу бозорнинг ҳажми 10 млн. рублда баҳоланган.

Умуман, ҳозирги кунда жаҳон бўйлаб кибер рискларни суғурталаш фақатгина корпоратив секторга тақдим этиб келинмоқда. Бунга асосий сабаб шуки, кибер рискларни суғурталашни амалга оширадиган суғурта компаниялари кам миқдорни ташкил қилади ва суғурта хизмати нархи нисбатан юқори (бунда суғурталашдан аввал амалга ошириладиган экспертиза харажатлари ҳам инобатга олинади). Кибер рискларни суғурталаш сегментининг кескин ривожланишига бу йўналишда қонунчиликнинг такомиллашмагани ҳамда бизнеснинг шаффоф эмаслиги, яъни суғурталанаётган субъектларда кутилиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш имконияти мавжуд эмаслиги тўсқинлик қилувчи омиллардан ҳисобланмоқда.

Юқорида баён этилганлар билан бир қаторда кибер рискларни суғурталашнинг ривожланишига салбий таъсир этувчи қатор омиллар мавжуд. Буни қуйида келтирилган расм маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (3-расм).

<sup>19</sup> Косарев А.В. Страхование информационных рисков. – М., 2010.

<sup>20</sup> <https://tass.ru/ekonomika/7661063>.



### 3-расм. Кибер рискларни суғурталаш бўйича жаҳон савдосига салбий таъсир қилаётган омиллар<sup>21</sup>

Расмдан кўриниб турибдики, кибер рискларни суғурталаш бўйича жаҳон савдосига тўсиқ бўлаётган асосий салбий омиллардан бири кибер рискларни тушунмасликдир.

Тўғри, бундай ҳолат ушбу суғурта турининг янгилиги ва кенг тарқалмаганлиги билан изоҳланади. Бироқ, жаҳон миқёсида юз бераётган рақамлаштириш жараёни киберхавфсизлик масаласини бирламчи поғонага кўтармоқда. Бу ўз навбатида, кибер суғуртага бўлган талабни кескин ортишига, демакки ушбу суғурта турини нафақат корпоратив секторда, балки аҳоли ўртасида кенг оммавийлашишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, мижозлар томонидан кибер рискларни тушунмаслик ҳолати мавжуд бўлишига қарамай, яқин истиқболда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштириш ушбу сегментни кескин ривожланиши учун катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари тармоқлари ва воситалари - бу мамлакат иқтисодиётида алоҳида муҳим аҳамиятга молик, такомиллашиб бораётган комплексдир. Чет эллик шериклар ва ҳамкорлар кўмаги билан республикада мазкур соҳани техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ўсиб бораётган аҳамияти мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда намоён бўлмоқда.

Табиийки, янги технологияларнинг тезкор суръатлар билан ривожланиши улар хусусияти билан боғлиқ турли рискларнинг пайдо бўлиш кўламини кенгайтиради. Иқтисодий тараққиёт ва рисклар миқдорининг ўзгариши ўртасидаги ана шу ўзаро боғлиқликни ўрганиш асосида қуйидаги қонидани таърифлаш мумкин. Яъни, иқтисодиёт техник-технологик

<sup>21</sup> Манба: DELLOITTE UNIVERSITY PRESS, PARTNER RE ADVISEN билан биргаликда.

тараққиётининг ўсиш суръатлари билан рисклар миқдори ва турларининг ортиб бориши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Бу эса ўз навбатида рискларни бошқаришни, уларга янгича, илғор ёндашувларни узлуксиз равишда қўллаб бориш асосида доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Бу ҳолат ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси субъектлари фаолиятини сифатли ҳимоя билан таъминлай оладиган замонавий суғурта тизимини шакллантиришни талаб этади. Ўтган давр мобайнида соҳада суғурта муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Соҳада суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида эришилган натижалар билан бирга ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Соҳада мавжуд корхона ва ташкилотларнинг кўплаб фаолият йўналишлари, ҳамда алоқа объектлари суғурта ҳимояси билан етарли даражада таъминланмай қолмоқда. Булар, авваламбор, эҳтиёткорликни талаб қилувчи ўта нозик қимматбаҳо асбоб-ускуналар, телерадио узатиш станциялари, халқаро лойиҳалар бўйича келтирилаётган қимматбаҳо коммуникация ускуналаридир. Ушбу ҳолатни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида суғурталанганлик даражаси кўрсаткичи<sup>22</sup>

| Йил  | Кўрсаткичлар              | Асосий воситалар баланси қиймати, млрд. сўм | Транспорт воситалари сони, дона | Ходимлар сони, киши |
|------|---------------------------|---|---------------------------------|---------------------|
| 2012 | Умумий миқдори            | 1 263                                       | 2081                            | 14 796              |
|      | Суғурталанган қисми       | 518,6                                       | 473                             | 6 510               |
|      | Суғурталанганлик даражаси | 41,1 %                                      | 22,7 %                          | 44 %                |
| 2015 | Умумий миқдори            | 1 754,4                                     | 1 658                           | 18 815              |
|      | Суғурталанган қисми       | 274,6                                       | 442                             | 5 724               |
|      | Суғурталанганлик даражаси | 15,6 %                                      | 26,7 %                          | 30,4 %              |
| 2018 | Умумий миқдори            | 2 814                                       | 2 004                           | 19 584              |
|      | Суғурталанган қисми       | 477   | 327                             | 1 277               |
|      | Суғурталанганлик даражаси | 16,9 %                                      | 16,3 %                          | 6,5 %               |

Жадвалдан кўришиб турибдики, соҳада суғурталанганлик даражаси йилдан йилга пасайиб борган. Таъкидлаш жоизки, соҳа ташкилотлари мажбурий суғурта турларидан тўла фойдаланиб келмоқдалар. Ваҳоланки,

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Хайъати материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

мажбурий суғурта турлари бўйича фақатгина жабрланган шахсларга етказилган зарарлар қопланади.

2012 йилнинг якунлари бўйича тизимдаги корхона ва ташкилотлардан йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмининг «ALSKOM» суғурта компанияси умумий портфелидаги улуши 42,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг якунлари бўйича бу кўрсаткич атиги 7,9 фоизни (4,7 фоизи ихтиёрий, 3,2 фоизи мажбурий суғурта турларига туғри келади) ташкил этди<sup>23</sup>.

Мавжуд муаммони бартараф этиш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхона ва ташкилотларининг суғурта муносабатларини ривожлантиришга бўлган фаоллигини ошириш талаб этилади. Бунинг учун соҳа корхона ва ташкилотларининг йиллик бизнес-режа ва харажатлар сметасида суғурта ҳимояси учун ажратилган маблағларни чораклар кесимида тўлиқ ўзлаштириш, бунда биринчи навбатда мулк, асбоб-ускуналар (қимматбаҳо ва давлат аҳамиятига молик объектларни, телекоммуникация кабель хўжаликлари, махсус алоқа боғламалари) ва транспорт воситаларини турли рисклардан, ходимларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ҳаёт ва соғлиқни бахтсиз ҳодисалардан ҳамда тиббий суғурта ҳимояси билан таъминлаш таклиф этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларда «риск-менежмент» тизимининг шаклланишига етарли эътибор берилмаяпти. Холбуки, ахборот-коммуникация технологиялари ривожлангани сари рисклар кўлами ҳам кенгайиб боради.

Мавжуд муаммони бартараф этиш учун соҳа корхона ва ташкилотларида замонавий «риск-менежмент» тизимини шакллантириш, яъни рискларни бошқариш ҳамда суғурта муносабатларини тартибга солиш бўйича вазифаларни бажаришни махсус бўлимга ёки алоҳида ходимга юклаш, корхонанинг фаолиятга хос рискларини ўрганиш, аниқлаш ва уларни олдини олиш тизимини йўлга қўйиш таклиф этилади.

3. Кибер рискларни суғурталаш механизмидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхона ва ташкилотлари етарли даражада фойдаланилмайди. Мазкур йўналишни ривожлантириш ҳамда тизимда кибер суғуртани кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тегишли буйруғи қабул қилинган ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларга аниқ вазифалар белгиланган. Шундай бўлишига қарамай, соҳадаги йирик корхона ва ташкилотлар белгиланган вазифаларга эътиборсиз муносабатда бўлмоқда.

Мавжуд муаммони бартараф этиш учун кибер рискларни суғурталаш тизимини янги босқичга кўтариш ва кенг оммалаштириш талаб этилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга оширилишини ўринли деб ҳисоблаймиз:

---

<sup>23</sup> «ALSKOM» суғурта компаниясининг маълумотлари.

1. Ахборот ресурслари ва тизимлари қиймати ҳамда кибер рисклар таъсирида етказилган зарар миқдорини баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

2. Қуйидаги йўналишларда фаолиятни ташкил этиш:

- кибер хавфсизлик даражасини экспертиза қилиш;
- кибер рисклар таъсирида етказилган зарарни баҳолаш;
- кибер рискларни суғурта қилиш тизимини кенг оммалаштириш;
- суғурталанганлик ҳолатини доимий мониторинг қилиш.

3. Соҳа ходимларининг кибер хавфсизлик йўналишида малакаларини ошириш ва бу йўналишда кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган лицензия келишувига кибер рискларни суғурталаш зарурлиги тўғрисидаги талабларни киритиш.

5. Суғурта компанияларида кибер рискларни суғурта қилиш борасида тегишли вазифаларни амалга оширишга ихтисослашган таркибий бўлинмани ташкил этиш ва унинг асосий вазифаларини белгилаш.

Қайд этиб ўтилган вазифаларнинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимида суғурта муносабатларини ривожлантиришга, пировардида, тизимда фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларнинг барқарор фаолият юритилишини таъминлашга хизмат қилади.

